

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРИШ НУТҚИЙ ЖАНРИ АСОСИЙ ҚИСМИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Жўраев Араббой Раҳмиддин ўғли
*Андижон Иқтисодиёт ва
қурилиш институти тадқиқотчиси*

Инглиз ва ўзбек тилларидаги миннатдорчилик билдириш нутқий жанрининг матний композицион тузилиши борасидаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, инглиз тилида миннатдорчилик билдириш нутқий жанри матний композицион тузилиши микроматн, макроматн ва гиперматн хусусиятларини ўзида акс эттиради. Бунда гиперматнли миннатдорчилик билдиришлар макроматн ва микроматнлардан ташкил топади. Миннатдорчилик билдириш нутқий жанрининг асосий қисми миннатдорчилик билдиришнинг матний хажмига қараб белгиланади. Масалан, гиперматнли миннатдорчилик билдириш нутқий жанри адресатларнинг ўзгариш хронологияси ҳисобига кенгайди. Шу сабабли гиперматнли миннатдорчилик билдириш нутқий жанрида асосий қисм академик ҳамкасабалар хронологиясини ташкил қилади. Инглиз тилида ўқув адабиётларидаги миннатдорчилик билдириш нутқий жанри адресатларнинг исм-фамилияларининг тўлиқ ёзилиши билан билан ажралиб туради. Масалан, инглиз тилида:

ACKNOWLEDGEMENTS¹⁷

We would like to express our deep gratitude to all the people and organizations who have had an immediate impact on this book. We are appreciative of the teachers who participated in the book's piloting phase and who provided insurmountable feedback on the content, layout, and teaching suggestions. The following participants were: Elnara Gulieva, Aziza Marupova, Muyassar Kadirova, Iroda Urunbaeva, Zemfira Kenjaeva, Ilya Zverev, Nazira Yergesheva, Feruza Dadadjonova, Olim Kodirov, Nodira Fayzieva, Musajan Tadjibayev, Raimel Smailova, Ijobat Jorayeva, and Saodat Saidakbarova.

Ўзбек тилида инглиз тилида фарқли равишда ўқув адабиётларида гиперматнли алоҳида саҳифаланган ва номланган муаллифнинг ташаккур сўзи саҳифаси мавжуд эмас. Ўқув адабиётлари қондасига кўра муаллиф ташаккури сўз боши ва муқаддима, кириш, бағишлов қисмларида баён қилинади. Масалан,

СЎЗ БОШИ¹⁸:

Автор ушбу рисоланинг нашр қилинишига ёрдам берган Андижон Давлат педагогика институтининг ректори проф. А. К. Косимовга, ректор уринбосари К.Ф. Парпиевга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

¹⁷David L. Chiesa, Ulugbek Azizov, Svetlana Khan, Klara Nazmutdinova, Komila Tangirova. Reconceptualizing language teaching: an in-service teacher education course in Uzbekistan. Baktira press, 2019.

¹⁸А. Нурмонов. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида, Андижон – 1980й,

КИРИШ¹⁹

Муаллиф кўлланмани тайёрлашда ўзларининг кимматли маслахатлари билан яқиндан ёрдам кўрсатган Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус мактаблари муаммолари институти гуманитар таълим ва тарбия бўлими профессор М.К. Орипов ва Фарғона ДУ социология бўлими бошлиғи профессор Т. Абдуллаевларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

МУҚАДДИМА²⁰:

Бағишлов: Ушбу рисола ни волидалик меҳридан мени баҳраманд қила олмасдан, ўтган онам – Муссарбегим ва меҳрибонлик тимсоли бўлган қайнонам Муссархонлар хотирасига бағишлайман. Яратган уларни жаннатда Ўзининг васлига етказгани рост бўлсин.

Муқаддима сўнгида: *Intihoda qayd etish joizki, bu risolani yozishga jazmu ahd to'satdan paydo bo'lgani yo'q. Semantikaga bo'lgan e'tiqodim ilm bo'sag'asiga ilk qadam qo'yishimdanoq paydo bo'lgan. Qadimgi ingliz tilidagi fe'llarning ma'no va birikish xususiyatlarini o'rganayotib fe'l va yasama so'zlar semantikasiga oid qanchadan – qancha risola-yu maqolalarni “titkilash”ga majbur bo'lgan edim. Shu davrda Yuriy Sergeevich Maslov, Aleksandr Vladimirovich Bondarkolarning Grammatik semantikaga, Vladimir Mixaylovich Pavlov, Tatyana Mixaylovna Belyayevalarning yasama so'zlar maqomi va mazmuniga, Salomon Davidovich Kantsnelsonning umumiy semantikaga, Anatoliy Mitrofanovich Muxin va Viktor Samuilovich Xrakovskiylarining singtaktiv semantikaga oid maxsus seminarlariga ishtirok etish baxtiga muyassar bo'ldim. D. N. Shmelev, N.A. Novikov, N.Z. Kotelova, M.I.Stebelin – Kamenskiy kabi an'anaviy ma'noshunoslarning va yangi rusumdagi semantik tadqiqotlar tarafdori bo'lgan M.V. Nikitin, A.A. Zalevskaya, V.B.Kasevich, O.N.Seliverstova va boshqalarning bahs-munozaralarining guvohi bo'ldim. Semantikaga nisbatan ishtioqimning yanada avj olishiga sababchi bo'lgan olimlardan biri - Yelena Samoylovna Kubryakovadir.....*

Кўринадики, инглиз ва ўзбек тилларида ўқув адабиётларида миннатдорчилик билдиришнинг миллий-маданий хусусиятлари мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. David L. Chiesa, UlugbekAzizov, Svetlana Khan, KlaraNazmutdinova, KomilaTangirova. Reconceptualizing language teaching: an in- service teacher education course in Uzbekistan. Baktira press, 2019.

2. Keith S. Folse, April Muchmore-Vokoun, and Elena Vestri Solomon Great Writing, FOURTH EDITION, 2014.

3. А. Нурмонов. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари хақида, Андижон – 1980й,

¹⁹К. Юнусов. Социология ўқув кўлланмаси, Андижон шаҳри, 1998 йил, 5-бет, ум: 141

²⁰ Ш.Сафаров. Семантика. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2013, 3-13 бетлар. Ум: 344 бет (монография)

4. К. Юнусов. Социология ўқув қўлланмаси, Андижон шаҳри, 1998 йил, 5-бет, ум: 141

5. Ш.Сафаров. Семантика. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2013, 3-13 бетлар. Ум: 344 бет